Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА № 188 (683), 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ТАРИХ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАГАН!

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 24 сентябрда Москвадаги учрашуви хусусида



Рассом Рўзи Чориевнинг бисёр фазилатлари мавжуд. Шулардан бири — ўта сахийлик. Пули рўзғорига учма-уч етишига қарамай, баъзиларининг қийматига ҳатто маънога берадиган ўнлаб асарларини қатор ташкилотларга совғага бериб юбораверади. У ўзи туғилиб ўсган Сурхондарёда техникка бир неча тасвирий санъат галериясини ташкил этган. «Нима, миллионермисиз, ҳеч бўлмаганда ярим пулини олсангиз-чи», деб қанча танбеҳ беришимизга қарамай, Рўзи ака саҳийлигини давом эттираверарди. Аммо... Кунларнинг бирида Чориев хонамга кириб келди-да, «Бўлди! Энди биттаям ишимни текинга бермайман!» деди ҳаяжонланиб. «Нега?» таажжубланиб сўрадим мен. «Эй, текин нарсанинг қадрига етишмаскан...», афсус билан деди у.

Бу — оддий ҳақиқат.

Яқинда бир ишчи билан гаплашиб қолдим. «Мустақил бўлдик деб қувонамиз, лекин... Биласизми бешта болам бор. Раҳмат, давлатимиз уларга анча нафақа беряпти. Ўзимнинг ҳам маошим яхшигина, аммо сўнгги пайтда оила тебратиш барибир қийин бўлиб кетяпти. Айрим қўшниларим «Бунга мустақиллик айбдор» дейишади. Наҳотки... «Ё ҳақмикан улар», деб ўйлаб ҳам қоламан баъзан. Улар эса дейишадики, ўзингиз кўз олдингизга келтиринг, илгари қандай яшар эдик: бир тийинга битта гугурт берар эди-я».

Мен бу ишчига бугунги қийинчиликлар вақтинчалик экани, уларнинг сабаби ҳақида ва умуман мустақиллик хусусида баҳоли қудрат тушунтириб беришга уриндим. Ва ички бир туйғу билан сездимки, ўша ишчи иқтисодидан қанчалик қийналмасин эндиликда истиқлолга нисбатан мутлақо бошқача муносабатда бўлади.

Эрк дея кўплаб ота-боболаримиз қон тўкишди. Лекин бу муқаддас мақсад йўлидаги охирги, ҳал қилувчи нуқта биз учун жўнгина қўйилганга ўхшаб туюлди. Аслида эса бунинг замирида юрт-бошимизнинг жуда катта жасорати мавжуд. Чунки, улкан бир минтақада ўз республикасини биринчи бўлиб мустақил деб эълон қилишга ҳамма раҳбарнинг ҳам ўшанда юраги ботинолмаганди, сабаби у пайтлар қизил салтанатнинг пойдевори ҳали мустаҳкам бўлиб, унинг узун қўллари ҳар нарсага қодир эди...

Дунёда жами халқлар учун эркин яшашдан кўра улуғроқ бахт йўқ. Шу боис ҳам бўйинларига мустамлакачилар томонидан кишан урилган халқлар бир куни келиб, исён кўтаришган, то мустақилликни қўлга киритгунча, жон олиб жон беришган. Мен бизда ҳам шундай бўлиши лозим эди, деган фикрдан мутлақо йироқман (ўзи Дукчи Эшон, Усмон Носир, Чўлпон каби ота-боболаримиз тўккан қон ҳам ҳанузгача юрак-бағримизни ўртайди). Шунингдек, мен халқимиз истиқлолнинг қадрига етмаяпти, деган фикрдан ҳам узоқман. Миллионлаб одамларимиз бу улуғ неъматни авайлаб-эъзозлаб, бошларига кўтаришяпти. Аммо ҳали орамизда менга ҳамсуҳбат бўлган ўша ишчига монандлар ҳам бор. Улардан эса ўпка-гина қилиш, ёйинки уларнинг гарданига айб тақаш ноўрин, уларга, аксинча, истиқлолнинг нима эканини, бир жамиятдан иккинчисига ўтиш даврида ўзига хос қийинчиликлар бўлишини эринмай тушунтириш биз зиёлиларнинг бугунги кундаги биринчи вазифамиздир.

Лекин бизни тарихни атайлаб орқага суришга чиранаётган ёки бошқача қилиб айтганда, қўлимизга тағин кишан урдириб, тақдиримизни тағин мустабидлар измига топширишга уринаётган юртдошларимиз (бундайларни юртдошлар дейишнинг ўзи шаккоклик дир)дан, тўғрироғи, манқуртларимиздан ҳудо асрасин. Масалан, Ўзбекистон Миллий Истиқлол Одимлари ўюшмасининг собиқ раиси Ғайрат Қодиров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг собиқ котиби Темур Пўлатовдан. Бу икки халқфуруш яқинда Москвада «СССРни тиклаймиз!», деб дунёга жар солишди. Уларнинг таъбирича,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Жиззах. Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг Олий Кенгаш ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими А. Тошкенбоев шу ҳақда маъруза қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар, жумладан, уй-жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини хусусийлаштириш, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар ташкил этишни янада жадаллаштириш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков нутқ сўзлади.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Наманганда вилоят фаоллари йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари республика Президенти И. Каримовнинг. «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китоби ва унинг республика Олий Кенгаши ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Ушбу масала юзасидан вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев маъруза қилди.

ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАВСИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар иштирок этдилар.

Анжуманни кириш нутқи билан Адлия вазири А. Мардиев очди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга ўтиши йўл-йўриқлари баён этилган ушбу китобнинг катта снёсий аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Президенти китобида баён этилган қоидаларни амалга оширишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

* * *

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ҳам фаолларнинг мазкур масалага бағишланган йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Маҳмудов қатнашди.

ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

СИРДАРЁДА улкан кўприк бунёд этилмоқда.

МАЪЛУМКИ, Ашт Тожикистоннинг энг чекка туманларидан бири. Бу ерга темир йўл қурилмагани учун юк асосан Конибодом шаҳрига ёки мамлакатимизнинг Бешариқ, Поп туманларига туширилар, сўнгра олиб кетиларди. Икки республика қурувчилари тиклаётган дўстлик иншооти фойдаланишга топширилгач, водийдан нафақат Тожикистонга, балки Қирғизистоннинг Ўш шаҳри орқали Хитойга олиб борувчи халқаро автотранспорт йўлига тушиш мумкин бўлади.

ҲАМКОРЛИК ИШ ВЕРДИ

НАВОИЙ АЗОТ ишлаб чиқариш бирлашмасида мамлакатимизда илк бор полиамид тайёрлана бошланди.

ЯНГИ маҳсулотдан автомобил шинасидан тортиб, болалар пайпоғигача юзлаб турдаги нарсаларни тайёрлаш мумкин. Унинг технологияси Тошкент ва Чирчиқ саноат корхоналари мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди.

ҲОСИЛ ЖОЙИДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

БОҒДОД туманидаги Э. Усмонхўжаев номли жамоа хўжалигида фойдаланишга топширилган пахта тозалаш заводи дастлабки тонна «оқ олтин»ни қабул қилди.

КОРХОНА йилига 40 минг тонна пахтани қайта ишлаб беради. Илгари туман хўжаликларида терилган ҳосил қўқон пахта тозалаш заводига элтиларди. Энди барча ҳосил шу ернинг ўзида ишланади. Бундан ташқари 450 дан знёд киши доимий иш билан таъминланди.

ЯНГИЛИКЛАР ❋ ФАКТЛАР ❋ ВОҚЕАЛАР ❋ ЯНГИЛИКЛАР ❋ ФАКТЛАР ❋ ВОҚЕАЛАР

ПРЕЗИДЕНТ НЬЮ-ЙОРККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг навбатдаги сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Тошкент тайёрагоҳида Ислом Каримовни республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Э. Халилов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Президентни кузатувчилар орасида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

З. И. ЕСЕНБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА ВОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Зиёд Исломович Есенбоев Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ

ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФИДАН БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ва «Муқобил хизмат ҳақида»ги қонунларига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафидан бўшатилсин.

2. 1993 йил ноябрь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг 1966—1975 йилларда туғилган ва чақирикдан қолдириш ҳуқуқи бўлмаган фуқаролари ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 479-ВЕРУНИЙ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

«Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 21 ва 54-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси 479-Веруний сайлов округи бўйича ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сайлови 1993 йил 31 октябрь, якшанба кунига тайинлансин.

Марказий сайлов комиссияси раиси К. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссияси котиби М. МАМАТАЗИЗОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 27 сентябрь.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

● Самарқандда бутун дунё ҳакимларининг XI халқаро анжумани бошланди. Унда Ҳамдўстлик давлатлари, АҚШ, Англия, Канада, Австрия, Швеция, Финляндия, Германия, Франция сингари мамлакатлардан юздан кўпроқ шифокор олим қатнашмоқда.

Анжуман қатнашчилари беш кун давомида замонавий тиббиёт ютуқларини соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш масалаларини муҳокама қиладилар, шаҳардаги даволаш муассасаларида бўлиб, тажриба алмашадилар.

ТАЛАБАЛАР ЧЕТДА ТУРМОҚЧИ ЭМАС

ТЕРМИЗ. Тиббиёт билим юрти талабалари вилоят олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган тенгдошларини пахта йиғим-теримида қатнашишга чақирди.

ВИЛОЯТ ҳокимлиги пахтакор хўжаликлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда таъминот ва транспорт ташкилотлари раҳбарларига ҳашарчи талабалар учун зарур шароит яратишни топширди.

Қизилқумнинг қўш байрами

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий номи билан аталадиган бу мўъжазгина шаҳар ҳақида айтилган таъриф ва таснифларнинг чеки йўқ. Уни XX аср мўъжизасига қиёс қилишади. Бу қиёсда катта ҳақиқат бор.

Шаҳар қисқа муддат ичида қурилди ва қисқа вақт ичида довруғи дунёга кетди. Унинг ўзига хос манбалари бор эди. Шаҳар Қизилқум бағрида тикланди. Бу ерда беҳисоб ва бебаҳо қазилма бойликлар мана шу минтақада қудратли саноатни ривожлантиришга асос бўлди.

1958 йилда Навоий кон металлургия комбинатига асос солиниши айни бир пайтда Навоий шаҳрининг бунёд бўлишига замин яратди. Ўтган куни Қизилқумда қўш байрам бўлди. Дастлаб байрам тантаналариши Навоий кон металлургия комбинати бошлаб берди. Ана шу тантанага бағишланган йиғилиш Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Анатолий Николаевич Возненко юртбошимизнинг табрик хатини ўқиб берди ва жамоани республика ҳукумати номидан қутлади. Йиғилишда комбинат директори Николай Кучерский комбинатнинг босиб ўтган йўли ҳақида маъруза қилди.

Навоий шаҳрининг 35 йиллигига бағишланган тантана ушбу шодиёнага уланиб кетди. Шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов шаҳарнинг юксалиш йўллари ҳақида маъруза қилди. 35 йил шаҳар учун чинакам юксалиш йиллари бўлди. Шаҳарда мустақиллик тонгларини бўлган энг йирик корхоналар барпо этилган. Шундан сўнг ҳоким шаҳарни биринчи қурувчилари, кончилари, кимёгарлари номини тилга олиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан республика Бош вазири ўринбосари А. Возненко, вилоят ҳокими А. Айдарқулов, Навоий қурилиш бошқармасининг бошлиғи Геннадий Саватюгин ва бошқалар шаҳарнинг 35 йиллиги ҳақида дил сўзларини баён этдилар.

М. МАРДИЕВ.
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАРИХ ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАГАН!

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Совет Иттифоқи тикланмасагина ҳаёт ўз изига тушармиш...».

Ҳозирги қийинчиликлардан фойдаланиб, истиқлолимизга бошқа тарафдан туриб тош отишаётган яна бир тоифа ғаламисларимиз борки, мансабидан айрилиб, кимга ниш уришни билмай юрган бу аламзадалар нуқул ёш давлатимизнинг обрўйини тўкиш билан овора. Хатто улардан айримлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига «Ўзбекистонни БМТга қабул қилманглар», деб телеграмма йўллашганди-я...

Бошқа бир тоифа ғанимларимиз эса дуч келган жойда Ўзбекистон ўз валютасига эга эмаслигини, у мустақил бўлса, «нега яна қандайдир МДҲга аъзо эканини», рўкач қилишдан тинмаяпти. Биз валюта ҳақида кейинроқ гапирамиз. Ҳозир эса шуни таъкидламоқчимизки, МДҲ билан СССР ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Буни улар ҳам яхши билишади. Аммо била туриб...

Тан олиш керакки, сўнгги пайтларда МДҲнинг таъсири сусайиб, унинг кўплаб ҳужжатлари қоғозлигича қолиб кетаётган эди. Бу ҳам, албатта, ўз навбатида унинг таркибига кирувчи ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсатига озгина бўлса-да, таъсирини кўрсатмай қолмади. Шу боис ҳам Ҳамдўстликка аъзо бўлган давлат раҳбарлари бундай сиёсатни тубдан ўзгартириш керак, деган фикрга келишди ва ўзаро муносабатларнинг янги усулларини қидира бошлашди.

Бундан бир неча ой муқаддам улар мутлақо янги бир тизим — Иқтисодий ҳамжамият барпо этиш лозимлиги ҳақида суҳбатлашиб олишди. (Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бунда Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг роли катта). Шундан сўнг ҳар бир мамлакатда бу тизимнинг тузилиши бўйича қатор ишлар олиб борилди.

Ва ниҳоят 1993 йилнинг 23 сентябрида Москвада Россия, Украина, Беларус, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Молдова, Тожикистон, Арманистон ҳамда Озарбайжон республикаларининг раҳбарлари тўпланишди.

* * *

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегациясиқ аъзолари орасида Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, мудофаа вазири Рустам Аҳмедов, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Шаҳобиддин Зиёмов, Марказий банк бошқаруви раисининг ўринбосари Йўлдош Эргашев, Ўзбекистоннинг МДҲ ишчи гуруҳидаги вакили Анвар Маҳмудовлар бор эди. Ҳукумат делегацияси таркибига эса Давлат солиқ бош бошқармасининг бошлиғи Шамил Гатаулин, молия вазирининг ўринбосари Татьяна Гуськова, Ўзбекистоннинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаевлар ҳам киритилганди.

* * *

Ўзбекистон Президентининг самолёти Москва аэропортига қўнганида бу ерда ёмғир ёғарди. Машиналар карвони олдин Каримов учун ажратилган махсус қароргоҳга, кейин эса Кремлга йўл олади. Унинг Екатерина залида давлат бошлиқлари ёпиқ эшиклар ортида Иқтисодий ҳамжамият ҳақидаги шартномага имзо чекишади.

Музокараларнинг иккинчи қисми «Президент отелда» бошланади. Бу ерда давлат ҳамда ҳукумат бошлиқлари ўнлаб масалаларни қамраб олган ҳужжатларни имзолашди. Улар орасида МДҲ аъзолари бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги низом, МДҲ Бирлашган қуролли кучлари бош қўмондонлигини қайта тузиш, шунингдек божхона ва солиқлаога оид масалалар ҳам мавжуд эди. Бир қанча масалалар Тожикистонга бағишланди. Масалан, ушбу республика ҳудудида тузиладиган Бирлашган мудофаа тўғрисидаги низом ҳамда уларни ҳамкорликда моддий техникавий таъминлаш чоралари, Тожикистонга ёрдам жамғармасини тузиш масалалари...

«Президент отелга» кўплаб журналистлар йиғилган бўлиб, биз нафақат бугунги музокаралар балки ижроия ҳокимият билан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир-бирига қарама-қаршилиги оқибатида Россияда рўй берган нохуш воқеалар хусусида ҳам маълумот олиш «дарди»да эдик.

Холлда бир гуруҳ сафдошлари орасида шитоб билан кетиб бораётган Ельцинни «тўхтатишга» жазм қиламан.

— Борис Николаевич, учрашувдан кўнглингиз тўлдими?

— Албатта! Чунки биз, бу ерга тўпланган барча давлат раҳбарлариям, ҳукумат бошлиқларнямбир-биримизни яхши тушундик. Ана шунинг натижасида ҳамма ҳужжатлар деярли бир овоздан қабул қилинди. Шуниям айтмоқчиманки, бугун Озарбайжон ҳам МДҲга аъзо бўлди. Шунингдек, у иқтисодий ҳамжамиятга ҳам кирди.

— Россия ва хусусан, Москвадаги аҳволни қандай изоҳлайсиз?

— Худога шукр, ҳозир осойишталик ҳукм сурмоқда. Мен, менинг ушбу сиёсий танглик ичра қабул қилган қарорларимни энг тўғри йўл деб таъкидлашгани, шу оғир дамларда қўллаб-қувватлаганликлари учун жами давлат раҳбарларига миннатдорчилик билдирмоқчиман.

— Шу кеча-кундузда «Оқ уйда» «фаолият» кўрсатаётган парламент аъзоларига нисбатан кескин чоралар қўрилишига тайёрланилаётганлиги тўғрими?

— Биз уларга нисбатан мутлақо куч ишлатмадик ва бундан буёғига ҳам ишлатмаймиз.

«Кўпчилик бизнн бу ерга асосан Россиядаги сўнгги воқеалар, бу мамлакатдаги ҳокимиятнинг икки тармоғи ўртасидаги можаро кучайганн боис келган деб ўйламоқда шекилли, — деди Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтараркан. — Аслида биз, ўзларинг гувоҳ бўлганларингдек, Иқтисодий ҳамжамият барпо этиш учун тўпландик. Лекин, табиийки, Россиядаги воқеалар бизниям ташвишлантиради. Чунки, унинг тақдири бугун собиқ Иттифоқдан чиқиб мустақил бўлган давлатларнинг тақдири, шу жумладан Ўзбекистон тақдири-ю келажаги билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ана шу сабабли республикамиз Олий Кенгаши ҳайъати, Вазирлар Маҳкамаси ҳайъати халқимизга Россияда бўлаётган воқеалар хусусида маълумот бериб, шуни таъкидлашдики, биз ушбу давлатда рўй берган воқеаларни бугунги инқироздан қутулиш йўлларини қидириш, деб баҳолаймиз. Қандай бўлмасин бу инқирозинг тинч йўл билан, қон тўкилмасдан бартараф этилиши тарафдоримиз. Аммо Россияда бўлаётган воқеалар, авваламбор унинг ўз ички ишидир. Ва унинг тақдирини ўз халқи ҳал қилиши керак».

Ҳа, шуни айтиш жоизки, Москвадаги «Мнение» деб аталувчи социологик тадқиқотлар бўйича хизматнинг «Ҳозир Россияда ким Президент?» деган саволига сўралганларнинг 78,5 фоизи «Ельцин», 5,8 фоизи «Руцкой» деб жавоб қайтаришди. 15,7 фоизи эса бирон бир аниқ гап айтишмади.

Кечга яқин Президентлар аэропортга қайтишди. Бу ерда Ислом Каримов билан мулоқот ўтказишни хоҳловчи журналистлар анчагина. Шу боис Президентимизга биттагина савол бериш билан чекланамиз:

— Кўпчиликнинг ушбу кунни МДҲ тарихидаги бурилиш даврининг бошланиши деб баҳолаётганига қандай муносабат билдирасиз?

— Ҳақиқатда ҳам бугун тарихий воқеа юз берди: биз анчадан буён кутиб юрган Иқтисодий ҳамжамият барпо этилди. Ишончим комилки, у шу кунгача тўпланиб ётган қатор иқтисодий, хўжалик, молия, солиқ, қолаверса, ҳуқуқ бўйича бир қанча масалаларни амалий тарзда ҳал этишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Эсингиздами, ҳурматли мушгарий, биз маҳаллами бошида миллий валюта хусусида ҳам сўз юритган эдик. Уни давом эттириб шуни айтмоқчимизки, Иқтисодий ҳамжамиятга кирган давлатларнинг асосий қисми, жумладан, Қозоғистон билан Ўзбекистон ҳам рубл зонасида қоладиган бўлишдн. Қирғиз журналистларидан бири Каримовга худди шу борада қуйидаги саволнн берди:

— Ислом Абдуғаниевич, маълумки Халқаро валюта фонди барча мамлакатлар ўз миллий пулига ўтиши ҳақида таклиф киритганди. Сизлар унга қачон ўтасизлар?

— Ҳар бир миллнй валютанинг жорий қилиниши худди инқилобга ўхшайди. Ўзбекистон эса бозор иқтисодига революция эмас, балки эволюция йўли билан ўтиш тарафдори. Сизга ростини айтсам, Ўзбекистон Қирғизистондан анча олдии ўз пулига эга бўлиши ҳеч гап эмасди, биздаги бойликлар шуни тақозо қилади. Лекин мен парагматикман ва бу қадам нималарга олиб келишини яхши билардим.

Албатта, Ўзбекистон ўз валютаснга ўтади. Биз ҳозир сиёснй озодликка чиқдик. Лекин иқтисодий мустақиллик баъзилар ўйлагандек у қадар осон иш эмас. Бу ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, у кўп йилларни талаб қилади (Буни том маънодаги иқтисодчилар яхши билишади). Бунинг учун, аввало, халқ хўжалигиининг таркибий тизимини мутлақо ўзгартириш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун бениҳоя катта улуш қўшувчи соҳаларни ривожлантириш, хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор (Шундай маҳсулотлар ишлаб чиқилсинки, улар жаҳон бозорида сотилиб, фақат ва фақат қиймати ўзгармас валюта келтирадиган бўлсин). Аммо энг муҳими, мамлакатдан маҳсулот чиқариш ҳамда мамлакатга маҳсулот келтириш муаммоси. Бордию бир давлат четдан ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга нисбатан бир неча баравар кўп миқдордаги маҳсулот харид қилишга мажбур бўлса, мана масалан, Қирғизистонда бу кўрсаткич тўрт баробар зиёддир, миллий валютани жорий этиш жуда ҳам эрта ҳисобланади.

Мен бир нарсани сўрамоқчиман: сизлар миллий пулга ўтаётганларингизда нимага суянган эдиларинг? Валюта фонди берадиган қарзгами ёки Россия ваъда қилган 75 миллиардгами? Бировлар ваъда қилган дивидендларга ишониб, ички иқтисодий сиёсат юргизиб бўлмайди. Бу енгилтакликдир. Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз тажрибасига, йўл қўйилган хатоларнинг таҳлилига асосланиб, шундай қарорга келдики, биз ҳозирча рубль зонасида қоламиз. Буни, ишонаманки, тарих ҳам оқлайди. Чунки, ушбу тадбир, энг аввало, оддий меҳнаткаш инсонлар тақдири ҳақидаги ғамхўрликдир. Давлат бошлиғи даставвал ўз фуқаролари тўғрисида қўйғуриши ва ҳеч қачон ҳис-ҳаяжонга эрк бермаслиги керак.

Сиз айтганингиздай, Халқаро валюта фонди миллий валютага ўтишни таклиф қилганди. Лекин у бунда ижтимоий харажатлар, бюджет харажатлари миқдори, хуллас, аҳолини ижтимоий муҳофаза сиёсати билан боғлиқ чиқимларни камайтириш «усулидан» фойдаланишни тавсия қилди. Биз ҳеч қачон бундай йўл тутолмаймиз. Чунки бизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири кам таъминланган оилалар, ногиронлар, пенсионерлар ва болалар (16 ёшгача бўлган)ни муҳофаза қилиш.

Шу боис ҳам бу йўлда шошма-шошарлик билан иш тутиш яхши натижаларга олиб келмайди. Буни Жанубий Америка, Осиёдаги қатор давлатлар тажрибасида ҳам яққол кўрса бўлади.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамкасбларимнинг «Ушбу янги Ҳамжамият унинг таркибига кирувчи давлатларнинг мустақиллигига соя ташламасмикан?» деган саволига қатъийлик билан шундай жавоб қайтарди:

— Асло! Бу ҳақда ҳатто шубҳа ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки биз, мустабидликни «тотиб» кўрганлар наҳотки яна ўзўзимизни шу азобга дучор қилсак?! Ҳамжамият ҳақидаги шартноманинг биринчи бандида, билясизми нима деб ёзилган, «Унинг таркибига кирувчи ҳар бир давлатнинг мустақиллиги даҳлсиздир!..».

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
Москва—Тошкент.

ҚЎЛБОЛА «КАТТА ОҒА»

Кейинги кунларда Россиядаги ҳокимият тармоқлари ўртасида кескинлашиб кетган зиддият ва сиёсий танглик бошқа воқеалар посангисини босиб кетди. Дунё оммавий ахборот воситаларининг бутун диққат-эътибори Москвага қаратилган. Кўпчилик Президент Борис Ельциннинг сиёсий тангликни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини маъқуллаяпти. Вақт амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратмасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини қайта-қайта исботлаётир. Шу йил 25 апрель куни ўтказилган референдум ҳам бу масалага ойдинлик киритмади. Қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги қарама-қаршилик ҳал этилиш ўрнига янги босқичга кўтарилди. Борис Ельцин 21 август куни парламентни тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Парламент эса А. Руцкойни Россия Федерацияси Президенти вазифасини ижро этувчи этиб тайинлади. Мавжуд сиёсий танглик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни янада кескинлаштириб юборди. Халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетди. Бу қийинчиликлар ва бошбошдоқликдан ҳар ким ўз мақсади йўлида фойдаланиб қолишга уринаётгани сир эмас. Қайси бир аламзада юқорироқ мансаб курсисини кўзлаётган бўлса, бошқа биров «буюк салтанат»ни тиклаш учун куйиб-пишмоқда. Уларнинг фикрича, мавжуд иқтисодий қийинчиликларни ислоҳотлар ўтказиш, бозор муносабатларини қарор топтириш йўли билан эмас, собиқ ражали иқтисодиётни қайта тиклаш билангина енгиш мумкин. Минтақалардаги уруш оловини ўчириш, миллатлараро муносабатларни изга солиш борасида ҳам «рацепт», тайёр: СССРни қайта тиклаш керак.

Империяпарастларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳали «СССР халқ депутатларининг фавқулодда съезди», ҳали «СНГ давлатларининг парламентлараро ассамблеяси», ҳали «СССР халқлари конгресси»нн ўтказиб туришибди.

Ҳаммадан кўра «Правда»нинг ошиғи олчи. Тўғри-да, «беларус қардошлари» Россия билан Ватанимиз бир, даса, литвалик арналавиючслар СССРнинг парчаланиши 1990 йили баҳорида Литванинг ундан ажралиб чиқиш тўғрисидаги қароридан бошланганидан надомат чакиб турса, қувонмай бўладими? («Правда» газети, 1993 йил 16 сентябрь сонн) «Ҳали ваколати тугамаган СССР халқ депутатлари» дийдиёларидан бўшамай қолган газет жонажон ҳомийси Руслан Имрановичдан миннатдорчилигини ҳам яшириб ўтирмайди. Россия тарихида унинг тақдири учун қайғурувчи миллати рус бўлмаган фидойи инсонлар кўп бўлгани ва улардан бири Хасбулатов эканини айтиб жар солади. Руслан Имрановнч ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди. «Парламентлараро ассамблея» деб гапни чувалаштириб ўтқириш бадига уради-да, «Иттифоқ парламенти тузиш ва СССРни тиклаш керак», деб қўя қолади.

Шу ўринда бу гапларнинг ўзбек ёзувчиси Темир Пўлатовга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жўнгина қилиб, у ҳам Хасбулатов каби собиқ империяни тиклаш тарафдори, деб жавоб берса бўлар ва бу жавоб қониқарлидай туюлиши ҳам мумкин. Лекин бир профессор билан иккинчи бир машҳур ёзувчинн мутаассиблиқда айблаш қийин. Айниқса, коммунистик ғоя ва шўролар тузумига доимо масхаромуз муносабатда бўлган ёзувчининг бир юмалаб империяпараст бўлиб қолганига ҳайрон қоласан киши. СССРни тиклашга оид бирорта тадбир унинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Шу йил 20 сентябрь куни Москвадаги Бадиий академик театрда ўтказилган «СССР халқлари конгресс»ида у ҳам иштирок этди ва раислик қилди. Бу ҳам атмагандай, у раҳбарлик қилаётган Ёзувчилар ташкилотлари халқаро ҳамжамияти кенгаши «Правда» ва «Советская Россия» газеталари ва яна алламбало ташкилотлар қаторида ўша конгресснинг ҳаммуассиси бўлди. Конгрессннинг мақсади ҳам ҳаммуассисларига яраша: «Биз Иттифоқдаги миллат ва элатлар ўртасида ўзаро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган, ўзаро кураш ва қон тўкишни тўхтатиш, ихтиёрийлик, тенглик, эркинлик, тараққиёт ва халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш тамойиллари асосида халқлар иттифоқини қайта тиклашга интилаётган бошбошдоқ кучларни бирлаштирнш йўлида бор куч-ғайратимизни аямаймиз».

Ҳар қандай империя асл мақсадларини «халқлар тенглиги, тотувлиги ва эркинлиги» каби олижаноб ғоялар билан ниқобламоқчи бўлади. Бу ғояларга бошқаларни ишонтириш учун мазлум миллат вакилларига ҳам айрим мансаб курсиларини «инъом» этиб туради. Лекин бу мазлум миллат вакилларининг юқори мансабларини эгаллаши учун бирдан-бир сабаб эмас. Ҳокимият талашиш авжига чиққан пайтларда доимо мухолифларни муросага келтирувчи одам бошқа жойдан ахтарилади, яъни: «сеникиямас, меникиямас» тамойилига амал қилинади. Бу ҳолнинг «халқлар дўстлигининг буюк намунаси» сифатида талқин этилишн ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Темир Пўлатовнинг СССР Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби бўлиб қолишига бу ташкилот раҳбарнятн ўртасидагн келишмовчиликлар сабаб бўлган эди. Бу гапларни эслаб ўтқришнинг мавриди эмас, лекин «Ўзбекистон халқ ёзувчисиянинг қандай қилиб империяпараст бўлиб қолгани сабабларини ўша воқеаларснз тушунтириш қийин.

Ёзувчилар уюшмаси бонадеревчилар, евтушенкочилар ва Москва ёзувчилари уюшмасига бўлиниб кетгандан кейин уларнинг бошини қайтадан қовуштнриш учун бир «холис одам» зарур бўлиб қолди. Уюшманинг 1991 йил 23 августдаги бошқарув секретариати мажлисида юзага келган фавқулодда вазиятни ҳисобга олган ҳолда Темир Пўлатов ҳам секретариат аъзолари сафига киритилади. Кўп ўтмай, у биринчи котиб лавозимига кўтарилади. Унинг бахтига қарши, тез орада СССР парчаланиб кетади. Эндигина «озгин ошга етганда бурни қонаган» котиб ўша вақтдаги иттифоқдош республикалар ёзувчилар уюшмаларига, СССР Ёзувчилар уюшмасини қўлланг, қабилида телеграмма ва хатлар жўната бошлади, симлар қоқди. Партчаланиш жараёнини эса орта қайтариб бўлмас эди. Лекин у уюшмани қайта тиклаш фикридан, барибир, воз кечмади. Ҳатто, Ёзувчилар уюшмалари ҳамжамиятининг 1992 йил январь ойида бўлиб ўтган таъсис конференциясида узил кесил жанозаси ўқилган уюшмани қайта тирилтиришга уринишдан бўлди. 1992 йил 2 июнда Т. Пўлатов бошчилигидаги ташкилий қўмита томонидан тайёрланган СССР Ёзувчилар уюшмасининг IX съезди бўлиб ўтди. Бошқа бир мероскўр ташкилот — Ёзувчилар уюшмаларн ҳамдўстлиги бу съезд қарорларини тан олмаслиги тўғрисида баёнот берди.

Темур Пўлатов мазкур съездда ҳамжамиятнинг биринчи котиби этиб сайланди. У шахсий манфаат йўлида қуллик кишанларидан эндигина халос бўлган Ўзбекистонни ҳам, унга ишониб мансаб курсисига ўтқазган ёзувчи дўстларини ҳам бир пулга сотиб кетди. Энди шўроча изчиллик тарафдори бўлиб олган бу зот ўзи йўқ уюшманинг навбатдаги съездини 10-съезд деб аташ таклифини ўртага ташлади. Бу билан у, СССР Ёзувчилар уюшмасининг яккаю ягона вориси ўзи раҳбарлик қилаётган ҳамжамият эканини уқтирмоқчи бўлаётган эди. Шу ўринда мазкур ташкилотнинг «империяни тиклаш учун фашизм керак бўлса, мен фашистларга овоз бераман» (Прохановнинг сўзлари) позициясида турган янги «адабий» газет «День»га муассислик қилишни истаб қолганини ҳам эслаб ўтишга тўғри келади. «Литературная газета» ўжарлик қилиб, мустақил нашр бўлиб олгандан кейин ўз ғояларнни оммага етказишнинг янги бир воситасини ахтариш керак-да!

Руслан Имранович, боя айтганимиздай, яна қўл қовуштириб ўтирмайди. Бир имзо билан собиқ Ёзувчилар уюшмаси мулкини тўласича «День» газети ихтиёрига «ватлаб бермоқчи бўлади». Бундан кўринадики, Темир Исҳоқович раҳбарлик қилаётган ҳамжамият собиқ иттифоқ ёзувчиларини бирлаштиришга эмас, кўпроқ рус шовинистларига «империяга эгалик қилиш ҳуқуқини қайтариб бериш» учун хизмат қилади. Бу елиб-югуришларнинг ортида, оддий қилиб айтганда, шахсий манфаат ётади. Ўзбекистонда даврли барча асарлари нашр этилган, уларда табиатнинг энг буюк наъмати сифатида инсон эркини тараннум этган, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган адиб уни шунчалик эъзозлаган жонажон Ватани, халқи бир ярим асрлнк истибдод кишанларидан халос бўлганида қувонмади, уни, ҳечқурса, бир энлик хат билан табриклаб қўйишга ўзида жесорат топа билмади.

Дарвоқе, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида баҳслар аваж олиб кетган кезлар телевидение орқали ана бир «халқ ёзувчиси» билан икки тиллиликни, амалда эса рус тилининг мавқеи сақланиб қолаверишини ёқлаб гапирган «байналмилал», янаям тўғриғоғи, ўзи мансуб миллатга катта оғаликни даъво қилган адибдан бундай «марҳамат» кутиш бемаънилик эмасми? Яна қайдам. Шу ерда туғилиб, вояга етган адибнинг туз ичиб тузлиққа тупуришини тасаввур қилиш қийин экан-да...

Иккинчи Ильичнинг, узоқ йиллар давомида янги тарихий бирлик — совет халқи шаклланди, деган гапини байроқ қилиб олган «конгресс-чи»лар яна «улуғ оға» ғоясини тиқиштира бошлаганини, тенглик ва биродарлик ҳақидаги гаплар билан бугун ёш болани ҳам алдаб бўлмаслигини нозик дидли адибимиз билмайди, деб ўйлайсизми. Мана ўша Темир Пўлатов каби «СССР халқлари конгресси» делегатларидан бири, «СССР халқ артисти», «Социалистик меҳнат қаҳрамони» И. Горбачёвнинг гаплари: «Ҳозир айрим республикалар, айниқса, Украина, Беларусь, Молдовада миллатчи либераллар: «Катта оға (яъни, руслар) йўқолсин!» деб томоқ йиртишмоқда. Лекин катта оға бўлишининг нима айби бор?

Бу иқтибосга изоҳ шартмикин? Менимча, шарт! Лекин бу изоҳ ҳам ўша империяпарастлардан бирига тегишли: «Агар дунёни ирқчилик дардига мубтало бўлган рус шовинизмидан халос этмоқчи бўлсангиз, уни империяга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этманг». Бу — «День» газети муҳаррирн муовини Бондаренко деган кимсанинг гаплари.

«СССР халқлари конгресси» деб аталмиш «анжуман»нинг шиори аслида мана шу. Улар бу гапларига ҳеч ким эътибор қаратмаслигини билишгани учун ҳам ёлғон-яшиқ шиорларни ўртага ташлайдилар. «Олижаноб ниятлари»га бошқаларни ишонтириш учун ўзбек, чечен ёки литвалик эканини унутиб, «совет халқи»га айланиб улгурган ўзга миллат вакилларидан жарчи ёллайдилар. Жарчи эса ҳеч қачон ўз номидан гапирмайди. Ҳамиша кимнингдир амрини бажараётган бўлади. У нима ҳақда жар солишни эмас, амр этган кнши берадиган чойчақани ўйлайди. Чойчақа эса мансаб курсиси ҳам бўлиши мумкин.

Эшбек ТУРДИЕВ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КОТИБИЯТИНИНГ

БАЁНОТИ

Азиз юртдошлар, қаламкаш ҳамкасблар!

Шу кунларда Россия давлатининг пойтахти Москва шаҳрида ташвишли можаролар рўй бермоқда. Бу шаҳарда демократик кучлар билан СССРни қайта тиклаш иштиёқида юрганлар ўртасидаги ихтилофлар мисли кўрилмаган даражага етди. Бир томонда — халқ сайлаган қонуний президент Борис Николаевич Ельцин Россия давлатидаги демократик ўзгаришлар йўлида улкан ғоя бўлиб турган Россия парламентнини тарқатиб юбориш ва демократик асослардаги янги сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Иккинчи томонда тарих ғилдирагини орқага бурнб, эски тузумга қайтиш иштиёқида яшаётганлар жон талвасасига тушиб қолдилар, улар ҳатто ўзларича Россиянинг янги Президентини эълон қилиб, Ельцин тарафдорларини қатли ом этишга ҳукм ҳам чиқардилар.

Мамлакатда мисли кўрилмаган даражада несинлашиб ўта хатарли тус олган зиддиятларни қандай бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Мурожаатномасида айтилганидек, Россия халқининг ўз ички иши, албатта. Лекин биз шуни қатъий айта оламизки, энди орқага қайтиш йўқ.

Энди Совет Иттифоқи — ўтмишнинг мулки, ҳолос. «СССРни қайта тиклаймиз» деганлар овора бўладилар. Узнинг давлат мустақиллиги йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистон халқи учун, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъбири билан айтганда «ортдаги кўприклар ёқиб юборилген».

Айни чоғда мустақил Ўзбекистонимизнинг барча фуқаролари, айниқса, халқнинг тили ва дили бўлмиш биз, қалам аҳли мустақиллигимизга таҳдид солувчи ҳар бир ҳодисага ўта сергаклик билан қарашимиз ва уларга муросасиз бўлишимиз шарт. Агар бундай хавф-хатарнинг бошида қаламкаш ҳамкасбимиз турган бўлса, ушбу «ўзимгдан чиққан бало»га янада муросасизроқ бўлиш талаб этилади.

Маълумки, Москвада рўй бераётган ҳозирги можаролар арафасида антиқа бир йиғин бўлиб ўтди — «СССР халқларининг конгресси» чақирилди. Бу конгресс СССРни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилди. Уни ёзувчи Темур Пўлатов бошқарди.

Уйлаб қарасак, бу жудаям фавқулодда ҳодиса эмас. Уз пайтида «Московские новости» газетасида «Ўзбекистондан руслар қувланяпти» қабилида ғала қилиб, икки халқ ўртасида низо қўзғашга уринган бу одамга, афтидан, на рус халқининг, на ўзбек халқининг миллий мустақиллиги нарн! Узини қаерда қандай тутиш ёзувчи Темур Пўлатовнинг ҳаққи-ҳуқуқи, ўз иши албатта. Лекин чинакам халқпарвар ёзувчи тузнм ичиб, тузлиғига тупурмаслиги, яъни халқнинг асрий орзу-армонлари ва туб манфаатларига зид иш қилмаслиги лозим эди. Унутмаслнн керакки, Темур Пўлатов, гарчи мустақил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлмаса-да, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвон соҳибидир. Бас, шундай экан, биз — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котибият аъзолари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Темур Пўлатовнинг бу ножўя ҳатти-ҳаракатини кескин қоралашга ҳақлнмиз ва айни шундай йўл тутишга мустақил Ўзбекистон халқи олдида бурчлнмиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ.

Жаҳон 24 соат ичида

ТАЛАБГОРЛАР КУРАШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Файнэншл таймс» газетасининг хабар беришича, 2000 йилги олимпиада ўйинларини ўз ҳудудида ўтказишга талабгор бўлган давлатлар ўртасидаги кураш давом этмоқда. Олимпиада ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган мамлакатлар ҳозиргача 115 миллион фунт стерлинг сарф-харажат қилдилар. Хитой бу курашдаги харажатларини сир тутмоқда. Халқаро олимпиада қўмитасининг 91 нафар аъзоси яқин кунларда талабгорлар нчнда энг муносибини аниқлаб беради.

ЖАҲОН БАНКИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ЁРДАМИ

Жаҳон банки Қозоғистонга 180 миллион доллар миқдорида қарз берди. Халқаро молиявий ташкилот душанба куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида бу маблағни Қозоғистонда амалга оширилаётган ислоҳот режаларига ёрдам тариқасида ажратганини маълум қилди.

Банкнинг ҳозирги кундаги устама ҳақи 7,43 фоиз ва у ҳар йили ўзгариб туради. Аммо банк раҳбарияти Қозоғистондан беш йил давомида устама ҳақ талаб қилмаслигнни билдирди.

48-СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

21 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессияси иш бошладн. Биринчи режалаштириш йиғинининг Болгария делегацияси раҳбари бошқарди. Бош ассамблеянинг 48-сессияси раислигига сайлов бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИГА БЕПУЛ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

Япония ҳукумати томонидан Қирғизистонга қизамиқ, сил касаллиги ва полиомиелитга қарши вакциналар бепул берилди. Уларнинг умумий қиймати 1 миллион Америка долларига тенгдир. Дорилар сешанба куни Бишкекка олиб келинди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хабарига қарағанда, 40 миллион Америка долларидан зиёд хорижий кредитлар эвазига Қирғизистон Республикасида дорн-дармон тақчиллигига барҳам берилди.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ

Владивостокда янги ҳаво йўли очилди. У Сахалиндаги Зональное тайёрагоҳини «катта ер» билан боғлайди. Самолётлар бир ҳафтада икки марта учади, чипта нархи 37 минг рубль.

Янги ҳаво йўли Сахалиннинг узоқ туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг илтимосига биноан очилди. Энди улар вилоят марказидан эмас, балки ўзларига яқин ва қулай тайёрагоҳ орқали «Катта ер»га чиқиш имкониятига эга бўлдилар.

ҲАЛИ УМИД БОР

Россия жаҳондаги йирик молия идораларидан янги қарзлар олиши учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда олға силжнётганини намойиш этиши лозим. Халқаро валюта фондининг курсатма берувчи директори Мишель Камдессю ўтган пайшанба куни Вашингтонда журналистлар билан суҳбат чоғида шуни маълум қилди. Унинг фикрича, Россия ҳукумати жорий йил охиригача пул қадрсизланишнинг олдини олиш ҳақида халқаро валюта фонди қўйган талабларни бажариши мумкин. Бу ХВФдан Россияга мўлжалланган уч миллиардлик қарзнинг иккинчи ярмини олиш имкониятини яратади.

ТИНЧЛИГИ БАРҚАРОР ЮРТ—ОБОДДУР!

МУЗРАБОД ТУМАНИ ҲОКИМИ, ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ДЕПУТАТИ АБУХАЛИЛ НОМОЗОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ҳамсуҳбат ҳақида қисқача маълумот: ёши эллиқда, касби—ирригатор, кўп йиллар вилоят сув хўжалиги бошқармасига бошчилик қилган. Ундан олдин Сариосиё район ижроқўмининг раиси, кейин эса район, партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. Ноёб китобларни йиғишга, уларни диққат билан ўқишга ишқибоз. Шоберди Бахшининг ашаддий мухлиси — уйида дўмбира сақлайди.



— Истиқлол, аввало, қадриятларимизнинг тикланишида намоён бўлаётир. Одамнинг кўз олдида бутун Ўзбекистон ўзгариб бормоқда.

— Ҳақиқатан ҳам. Масалан илгари бизнинг туман Гагарин номи билан аталарди. Гагарин ким бўлишидан қатъий назар, бу ерларга унинг номи ярашмас эди. Биз оқсоқоллар билан кенгашиб қўйдик. Ушбу юрт қадим замоилардан бери шундай деб аталган. Биладиганларнинг айтишича бу «катта шаҳар» деган маънони англатар экан. Чиндан ҳам «Музрабод» дейишингиз билан одамнинг кўнгли кўтарилиб кетади. Амударёнинг кечув жойи худди ана шу Музрабодда бўлган. Буюк ипак йўли ана шу кечувдан ўтган. Бундай жойда Музрабод бўлмаслиги мумкин эмас! Аммо тарихнинг ўз ҳақиқатлари бор экан, йиллар ўтиши билан ўша улуғ шаҳар шамолга ем бўлди. Олтмишинчи йилларга келиб, Музрабод даштлари яна ўзлаштирилди. Туманимиз асосан, Амударёнинг ёқасига жойлашган. Шунинг учун ерости сувлари жуда яқин: шўр кўтарилиб кетаверади. Айниқса, саксонинчи йилларга келиб бу нарса билиниб қолди. Чунки зоаурларни қазиш билан ҳеч кимнинг иши бўлмади — ҳамма кунниинг ўтарини ўйлади.

— Ҳозир аҳвол қандай?

— Туманда, асосан, ипак пахта етиштирилади. Бу йил хирмонимиз 50 минг тоннадан ошиб кетади, деб турибмиз. Далаларда ҳосил анча, пахта машинада терилади. Вазирлар Маҳкамасининг пахта теримига тайёргарлик ва уни ҳар тарафлама муваффақиятли ўтказиш тўғрисидаги қарорини чуқур ишлаб чиқдик. Пахтакорга лозим бўлган барча шароитлар яратиб берилди.

Ҳозир хўжаликни юритиш учун давлат бюджетига кўз тикиб ўтирадиган замон эмас: бир тийинни ҳам ҳисоблаш керак. Шунинг учун биз ихтиёримиздаги ҳар тонна толани, иложи борича, қимматроқ пуллашга ҳаракат қиляпмиз. Бозор шароитида ҳаракат қилмоқ учун иборали қилиб айтганда, бу соҳанинг санъаткорн бўлмоқ керак. Тўқсон иккинчи йил ҳосилидан олинган толани қўшниларимизга қараганда икки, ҳатто уч баробар қимматга пуллаганимизни айтсам, кўп нарсалар сизга аён бўлади. Ана шунинг учун ҳам туман бўйича олинаётган соф фойданинг муайян қисми ўрталикка тўпланиб, район аҳамиятидаги қурилишларга сарф қилинмоқда. Чунки ҳар ким ўзини ўйласа, ўрталикка пул қўймаса, кўп қурилишлар қолиб кетади. Ана шундай йўл билан Шоҳбекат қурилишини ниҳоясига етказдик. «Бахт уйи», шарқона усулдаги чойхоналар қурилиши давом этмоқда. Биз бундай қурилишга бу йил ва келгуси йил бир миллиардан зиёд пул сарфламоқчимиз. Ушбу ҳаммадаги қурилиш ишларини амалга оширганимиздан сўнг Музрабод ҳақиқатан ҳам ўз номига муносиб обод шаҳарга айланади.

— Мана, суҳбатимиз ўзидан ижтимоий масалаларга бориб тақалди...

— Раҳбарлик вазифаларида ишлаб келаётганимга йигирма йилдан ошди. Ижтимоий масалаларга ҳозиргидек катта эътибор берилганлигини ҳеч ким эслай олмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай яхши ишларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислом Каримовнинг номи билан боғланади. Баъзи ҳолини билмаганларнинг «Истиқлол бизга нима берди?», деган гаплари одамнинг жаҳлини чиқаради. Ҳозир туманимиздаги ҳар тўрт хонадоннинг учтасида табиий газ ёнмоқда. Ваҳоланки, биз бу кўрсаткичлар билан қаноатланиб қолганимиз йўқ — газлаштириш зўр суръат билан давом этмоқда. Бу масалада Ўзбекистон Республикасининг халқ депутати Қурбон Амирқуловнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман. Барча музрабодликлар уйларида ёниб турган газ учун Қурбон акадан миннатдор. Ҳозир бизда водопроводлаштирилмаган бирорта қишлоқ қолмади. Демоқчиманки, бу натижаларнинг орқасида катта маблағ ва катта меҳнат турибди. Бозор иқтисоди шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш билангина келаётган даромад миқдорини кўпайтириш мумкин. Биз буни яхши биламиз ва шунинг учун ҳам нима қилиб бўлмасин ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш тадбирларини кўраётирмиз.

Тумандаги пахта тозалаш заводи қошида ҳар кун беш тонна пахта ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бир корхона қурдик. Ана шу йўл билан районда ишлаб чиқарилаётган чигитнинг учдан икки қисмини узоқларга ташиб юрмасдан шу жойнинг ўзида қайта ишлашга муваффақ бўлдик. Ҳозир Музрабодда 24 та ун тегирмони, 19 ёғ жувоз ишлаб турибди. Ҳар қишлоқда битта-иккита тегирмон ишлаб турса, ун таниқислиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки биз ўтган йили аҳолига ишлаб чиқариш нархларида 2 ярим тонна донни арзон сотган эдик. Бу йил ҳам эҳтиёжи бор одамларга ғалла берилмоқда — ҳеч кимнинг қўли қуруқ қайтмайди. Чунки, кўнгли тўқ одамнинг ишида унум, барака бўлади. Уйида уни қолмаган одамнинг қўли ишда бўлгани билан хаёли бошқа ёқда бўлади. Биз биринчи ўринда ана шу хотиржамликни таъминламоғимиз керак. Зотан, бу Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг асосини ташкил қилади.

Яқинда иситқлолнинг икки йиллигини нишонладик. Бутун Ўзбекистон, хориждаги ватандошларимиз бу тадбирни катта шод-хуррамлик билан ўтказдилар. Агар кўнгил хотиржам, юрт тинч бўлмаганда шундай катта миқёсда халқ байрами ўтармиди? Шунинг учун мен айтаманки, тинчлиги таъминланган юрт доим ободдир.

— Абдухалил ака, суҳбатимизни анъанавий оҳангларда тугатсак: «Халқ сўзи» газетасига қандай истакларингиз бор!

— Мен, умуман газета ўқишни яхши кўраман. Бўлмаса ахборотлар оқимидан орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. «Халқ сўзи»ни ўқиш ҳам кундалик одатларнинг бирига айланган. Яқинда газета номининг ёнида буюк бобомиз Амир Темурнинг сиймоси чиқди. Бошқаларни билмайману, бундан менинг кўнглим кўтарилиб кетди. Бу — ўзбекнинг тимсоли Амир Темур эканлигининг ошкора эътирофидир. Истак шулки, «Халқ сўзи»нинг мухбирлари ана шу тимсолга муносиб бўлмоқлари керак. Бу билан нима демоқчиман? Ҳаммамиз кўриб турибмиз, жамиятимиз чуқур сифат ўзгаришларини бошдан кечирмоқда. Кўз ўнгимизда истиқлол туфайли юрт аслига қайтмоқда. Ҳамма замонларда ҳам сифат ўзгаришлари кескин кечади ва муайян қаршиликларга учрайди. Мен «Халқ сўзи»да ана шундай жараёнларнинг тафсилотларини ўқигим келади. Чунки, газетанинг ҳар бир сони, тарихнинг бир варағидир. Қўлига қалам олган мухбир, аввало, шуни ўйламоғи керак. Соҳибқироннинг фазилатлари кўп. Унинг энг улуғ фазилатларидан бири адолатпарварлиги эди. Темурнинг адолатлилиги қаршисида ҳатто унинг ғаниимлари ҳам қўл кўтарган — қойил бўлган. «Халқ сўзи»га бобомизнинг шу фазилати доим ҳамроҳ бўлсин.

«Халқ сўзи» мухбири Тожиддин РАЗЗОҚ суҳбатлашди.

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим

ОЧИЛМАГАН ДАФИНА

30-50 йилларда турли шиорлар остида ўтказилган қатағонлар халқимизни нафақат не-не асл фарзандларидан жудо қилди. Балки бу қатағонлар давомида жаҳонга Абу Али ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Фаробий, Улуғбек каби ўнлаб, юзлаб буюк зотларни, олиму фузалоларни етказиб берган юртни ўзининг маънавий меросидан жудо этиш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Инсонга ер юзидаги тирик жонзотларнинг энг сарвари эканлигини англатадиган, уни ҳамиша софликка ундаб, руҳий такомилга йўл кўрсатиб турувчи мўъжизакор китобларнинг аҳамиятини, баҳосини қай сўз билан ифодалаш мумкин Эҳтимол шунинг учундир бирор юртнинг одамларини ўз иродасига сўзсиз бўйсунувчи маънқуртларга айлантирмоқчи бўлган босқичилар энг аввало ўша халқни маданиятидан — уни ташувчи китобларидан жудо этишга интилгандирлар... Аслида 30-50 йиллар қатағонлари ҳам халқимиз учун ана шундай зарбалардан бўлди, десак янглишмаймиз. Ўша йилларда Ўзбекистондаги ҳар бир қишлоғу шаҳарларда юзлаб, минглаб китоблар, қўлёзмалар эски қудуқларга ташланган, мозорларга кўмилган, дарёларга оқизилган. Буларнинг барчаси одамлар қалбини, вужудини қамраб олган қўрқув оқибати эди. Эҳтимол уларнинг кўпчилиги бу ишни бола-чақаси, қариндош-уруғи, қолаверса ўзининг қандай қисматга дучор бўлишини ўйлаб қилишгандир.

Ҳизмат юзасидан Самарқанд вилоятининг кўп қишлоқларида бўлишга тўғри келади. Баъзи гурунгларда гап айланиб шу мавзуга тақалади. Шунда беихтиёр бир нарса эътиборингизни тортади. Аслида араб алифбосини умуман ўқий олмайдиган, ўша кўмилган китоблар мазмунидан бехабар кишилар ҳам улар тўғрисида нодир ҳазина ҳақида гапиргандек сўз юритишади. Шунда одамларимиз ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам китобни муқаддас билганлигини чуқур ҳис этасан. Кўмилган китоблар ҳақида сўз юритилар экан, беихтиёр юрагинг титраб кетади. Гап гўё тирикдай кўмилган одамлар ҳақида бораётгандек... Шундай лаҳзаларда кишиларни бунга мажбур қилган, не-не кишиларни қўмайлик, замон тинчиса яна ковлаб оларсиз, деди. Уччаламиз шу маслаҳатга қўшилиб, кечаси қабристондан жой қазиб, китобларни бешта қопга солиб кўмдик. Шундай қилиб йиллар ўтди. Бу орада мулла Қўчқор ҳам, қори Худойқул ҳам дунёдан кўз юмдилар. Биласиз, яқин-яқинларгача «хурофотни тарғиб қилаяпсан» деб, бизга ўхшаш диндорларнинг ёқасига ёпишиш одат эди. Шунинг учун ҳам бу китобларни олиб кимга бераман, деган хаёл билан уларни ковлашга қўрқдим. Энди орадан қирқ йилдан зиёд вақт ўтди...

Сағдулло бобо ҳикоясини тугатар экан, оғир тин олиб қўйди. Кейин ўз ҳаёллари билан бўлиб, ерга тикилганича жим қолди. Ким билсин, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тортган бу одамнинг кўнглидан шу топда нималар кечаётган эди. Назаримда йиллар давомида дилини қамраган қўрқув, ҳадик туфайли у ҳозир ҳам биздан анча-мунча гапларни пинҳон тутаётгандек эди. Яна билмадим. Лекин менга негадир шундай туюлди...

Самарқанд тупроғи қадимдан юзлаб, минглаб олиму фузалоларга, шоиру адибларга маскан бўлган. Бу ердаги шаҳар ёки қўрғонларнику қўяверинг, ҳатто катта-катта қишлоқлар тарихи ҳар кишини мозийнинг олис қаърига олиб кетади. Ана шундай манзилларидан бири Нуробод тумани ҳудудидаги Остонбобо қишлоғидир. Унинг нега бу ном билан аталиши, шу ерда дафн этилган, Ҳудойқул шайх ва Муршид Илёс ҳақида Самарқанд давлат дорилфунуни профессорлари Ботир Валихўжаев ҳамда Сайдулла Мирзаевларнинг «Халқ сўзи»да (январь 1993 йил) чоп этилган мақоласида батафсил сўз юритилганди. Шунинг учун айтилган гапни такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Масаланинг бошқа томони ҳақида тўхталмоқчимиз.

Маълумки, бу зотлар ҳақида Мир Алишер Навоий ҳам ўзининг асарларида маълумотлар келтирган. Бундан ташқари Муршид Илёснинг фақат тасаввуф илмида эмас, балки назмда ҳам қалам тебратгани, баъзи манбаларда айтилади. Мен ҳозир шу қишлоқда истиқомат қиладиган, аждодлари бўлган ўша машҳур зотлар ҳақида унчамунча маълумотга эга Довудхон ака Шукуров билан суҳбатлашдим. Наҳотки улардан ҳеч қандай китоблар қолмаган, дея қизиқдим. Чунки китоблар, қўлёзмалар бизда ҳамиша энг табаррук меросдек авлоддан-авлодга ўтиб келган.

— Анча китоблар қолган. Буни аниқ биламан, — дейди Довудхон ака. — Чунки ёшлигимда отам бир ҳужра қилиб сақланадиган шу китобларни, қўлёзмаларни мутолаа этиб ўтирганларини кўп кўрганман. Қишлоқ катта йўлдан ва марказдан анча олис бўлгани туфайлидир, эҳтимол, ҳар ҳолда 30-йиллар қатағони бу ерларни бир қадар четлаб ўтган кўринади. Чунки 50-йилларда ҳам китоблар ҳали бор эди. Лекин орадан кўп ўтмай улар ғойиб бўлди. Бу пайтда яна диндорларни қувғин қилиш, қўлидаги қадимий китобларни мусодара этиш бошланган эди... Кейин билишимча отам ҳамма китоб ва қўлёзмаларни ана шу қатағондан чўчиб бир кечада кўмдириб ташлаган эканлар. Бироқ вафотларига қадар уларнинг қаерга қўмилганини айтмадилар... Балки уларни яна қазиб олишга интилган бизнинг ҳам гапга қолишимиздан чўчигандирлар. Бундан 1—2 йил муқаддам ўзим тахмин қилган жойларни изладик. Афсуски, ҳозирча уларни тополмаяпман. Эҳтимол, олимлар бирор-бир махсус асбоб билан ёрдамга келишар... Чунки отам китобларни шундай йўмдириб ташламагандир. Агар фақат латтага ўралса ёки халтага солиб кўмилса қоғоз тезда чиришнни у киши яхши билганлар. Ўйлайманки, китоблар сандиқларга жойланиб кўмилган.. Яна ким билади, дейсиз, бу менинг тахминим холос...

Бу масала билан қизиқиб, турли жойларда сўрабсуриштирганимда ана шундай воқеалар тўғрисида кўплаб ҳикоялар тингладим. Албатта, уларнинг ҳаммаси кишида ишонч уйғотавермайди. Баъзан тахмин ва фаразлар билан тўлиб-тошган ривоятомуз гапларни ҳам эшитишга тўғри келади. Лекин шундай ҳикоялар нинг ўнта-йигирматасидан ҳеч бўлмагаида иккитаси бизга китоблар ва қўлёзмалар кўмилган жойни белгилашда ёрдам берса ҳам катта гап. Шунинг учун бундай ҳикояларни ҳеч эринмай тинглаш ва ёзиб олиш лозим, деб ўйлайман...

Яқинда ана шулар ҳақида Самарқанд музей-қўриқхонаси қўлёзмалар бўлимининг бошлиғи Мирҳамза Турсунов билан суҳбатлашиб қолдим. Қачонлардир кўмиб ташлашга мажбур бўлинган китоблар, қўлёзмалар тақдири бундай кишиларни ҳаммадан кўпроқ қизиқтиради, албатта. Бироқ бугунги иқтисодий қийинчиликлар бу соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказган. Мирҳамза аканнинг айтишича шу йилнинг ҳисобидан қўлёзмалар бўлими одамлардан бор-йўғи иккита китоб харид қилган. Маблағ тақчиллигидан қадимий китоб ва қўлёзмалар кўмилган жойларни кидириб топиш, уларни авайлаб қазиб олишга ҳозирча имкон йўқ. Ҳолбуки, агар жойи аниқланиб, барча тартиб-қоидаларга риоя этиб очилса, 50 йил аввал кўмилган китобларни асраб қолиш мумкин экан.

Бу гапларни қоғозга туширишдан мақсад ҳам шу. Самарқандда ўнлаб тарихчи, адабиётшунос олимлар яшашади ва ишлашади. Бу ердаги музей-қўриқхона археология илмий-тадқиқот институти ходимлари кучи-амолидан фойдаланиш ўз самарасини берса ажаб эмас. Чунки чўнтагини қаппайтиришдан бошқа дарди бўлмаган баъзи бир шахслар китоблар кўмилган жойларни ўз билганларича очишга интилаётганлари ҳақида гап-сўзлар юрибди. Бундайлар бойлик тўплаш мақсадида қўлига тушиб қолган ҳар қандай нодир китобларни чет эллик сайёҳларга пуллашга тайёр. Вилоят божхонаси томонидан кейинги пайтларда бир-неча марта нодир китобларни олиб чиқишга интилишлар фош этилди, ушлаб қолинди. Булар ҳам юқорида айтилган фикримизга далилдир.

Шунинг учун бир пайтлар давр тўфонига, қатағон маломатига учраган, ўша аламли йилларнинг унсиз қурбонлари бўлган қадимий китобларни кўмилган жойларни топиш, уларни имкон қадар асраб қолиш, маънавий меросимиз хазиналарини ўшалар ҳисобига янада тўлдириш фурсати етди. Бу бизнинг юртимиз, қолаверса мозийнинг олис қаъридан ҳали бизга номаълум кўп сир-асрорларни олиб келаётган ўша қадимий китоблар, қўлёзмаларни битган авлодлар олдидаги қарзимиз ҳамдир.

Музаффар МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Бешариқ туманидаги Тожихон оша Абдураззоқованинг кўпчилик жуда яхши танийди. У юзлаб болаларни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, уйда боғча ташкил этишни биринчи бўлиб таклиф этган. 4 фарзандининг онаси, меҳрибон устоз, назанда аёл айни кунларда ҳам «Дилрабо» боғчасида мудирлик қилмоқда.

СУРАТДА: Тожихон Абдураззоқова.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ТОЖИКИСТОН ХАБАРЛАРИ

САХОВАТПЕШАЛАР

Хўжанд шаҳридаги барча мактабларда ўқувчиларга бепул сутли овқат берила бошланди. Шаҳардаги «Хожи Сиддиқ Хўжандий» фирмаси бунинг учун 15,5 миллион сўм маблағ ажратди. Ўқув йили давомида эса фирма ушбу мақсад учун 180 миллион сўм сарфлайди.

Бундай улкан саховат кўрсатаётган мазкур фирманинг раҳбари С. Дадахўжаевга маориф-маърифат ишларига фидойилик бобомерос экан. Раҳматли Ҳожи Сиддиқ бобо Хўжандда китоб савдоси билан шуғулланарди. Ҳиндистонда ва Ўзбекистон теграсида босмаханалари бўлган бу киши маърифат ривожига жуда катта ҳисса қўшган.

— Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда ўқувчиларни қандай овқатлантириш, айниқса, кўп болали оилаларга ёрдам бериш ҳақида ўйлайтурганимизда, «Хожи Сиддиқ Хўжандий» фирмасининг саховати кутилмаган совға бўлди, — дейди Хўжанд шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Р. Усмонов.

ПАЙШАНБА БОЗОРИГА МАРҲАМАТ

Қадимий шаҳарнинг чор атрофга донғи кетган бозорида деҳқон ва боғбонлар эндн бемалол ўзлари етиштирган ноз-неъматларни сотишлари мумкин. Чунки, бу ерда улардан ҳеч қандай патта нули олинмайдиган бўлди.

Хўжанд шаҳар ижроқўми ўзининг навбатдаги кенгашида ана шундай қарор қабул қилди. Бу эса бозорда сотиладиган маҳсулотларни кўпайтириш, деҳқон ва боғбонга ўз мева-чева, сабзавотини сотишдаги тўсиқларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Яна бир янгилик — Пайшанбада ҳафтасига икки марта оқшомги бозор бўлади.

Ўринбой УСМОН, Хўжанд.

Инсон ва қонун

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛМАЙДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг иккн йиллигини зўр таитаналар билан нишонлади. Ўтган икки йил мобайнида инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қиладиган қонунлар, Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиндиким, буларнинг ҳаммаси ҳуқуқий давлат қуриш сари дадил қадам ташлаётганлигидан далолатдир.

Тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган турли кўринишдаги жиноятчилик ва қонунбузарликларга Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан ташаббуслари билан қатгиқ кураш бошланган эди. Айни пайтда жамиятимизни нопок шахслардан халос этиш, эл тинчлиги, юрт осойишталигини, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишнинг ҳодимлари тинмай иш олиб боряптилар.

Жумладан, Фарғона вилояти прокуратураси ходимлари ҳам янги Конституциямиз ва мустақил Ўзбекистоннинг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни асосида қонунлар устиворлигини, уларнинг барчага баробар эканлигини таъминлаш борасида талай ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Масалан, вилоятнмязда йил бошидан буён жиноятлар ўсиш жараёни 24,3 фоиздан 1,3 фоизгача камайди. Қувасой, Қўқон, Марғилон шаҳарлари, Қирғули, Тошлоқ, Бувайда туманларида ҳам умумий жиноятчиликнинг камайишига эришилди. Терговчиларнмиз 4 та уюшган жиноятчиликдан ҳозирда учтаси бўйича дастлабки ҳаракатларни тугатиб, судга юборишди. Бу гуруҳлар қотиллик, босқинчилик, товламачилик ишлари билан мунтазам шуғулланиб келганлар.

Шу йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон тумани ҳудудида, яъни қўшни Тожикистон Республикасининг Исфара шаҳридан 9 километр наридаги кимсасиз дала-даштда қўй боқиб юрган чўпонлар икки одамнинг жасадини топиб олганликлари ҳақида хабар қилишди. Ушбу факт юзасидан тезда Ўз ЖКнинг 80-моддаси билан жиноий иш қўзғатилиб, вилоят ички ишлар органлари тезкор гуруҳи билан ҳамкорликда ишлаб, 35 кун илгари қотилни топишга муваффақ бўлинди. Аниқланишича, қотил гараз мақсадда, яъни жабрланувчиларни 300 минг сўм пулига эга бўлиш учун даҳшатли жиноят содир қилиб, ҳар иккаласини ўлдирган, сўнг жиноят изини йўқотиш мақсадида уларнинг кийимларини ёқиб юбориб, жасадларини чуқур қазиб кўмган, 300 минг сўм пулларини ишлатиб юборган. Қотилнинг айби рад этиб бўлмас далиллар билан исботланди. Биргина шу ишни очишда 17 тадан ортиқ турли хил муфассал экспертизалар ўтказилди. Андижон, Наманган, Ўш, Хўжанд вилоятлари тезкор гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкнн.

Айни иқтисодий қийинчилик пайтида айрим нопок шахсларнинг давлат, жамоат мулкига кўз олайтириб, талон-тарож қилаётганлиги ҳеч кечириб бўлмас ҳолдир. Ўтган ярим йилликда тергов органлари ходимлари давлат ва жамоат ташкилотларига етказилган зарардан 86 фоизини ундириб олишга эришдилар. Чунончи «Фергананефтесинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари жиноий унсурлар билан ўзаро тил бириктириб, бирлашмадан жуда катта миқдорда давлат мулкини, яъни 3 миллион 800 минг сўмлик (53 тонна) бензинни олиб чиқиб кетдилар. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу қаллоблар ҳам қўлга олинди. Ҳозирда мазкур иш юзасидан тергов ҳаракатлари ниҳоясига етмоқда.

Иқтисодни янгича бошқариш усулларига ва бозор муносабатларига ўтиш даврида уюшган жиноятчиликка, айниқса, унинг оғир турларига қарши курашда ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонунчиликка, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда назорат идоралари билан ҳамкорликда фуқаролар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат, жамоат мулки муҳофазасини таъминлаш, вояга етмаганлар жиноятининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа қатор қонунбузарликларга қарши курашда талай ижобий ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор Президент фармонлари ижросини назорат қилишга қаратилди. Хусусан, биргина ўтган ярим йилликда 772 та текшириш ўтказилиб, унинг натижалари бўйича айбдорлар маъмурий, моддий, жиноий жавобгарликка тортилдилар. Назорат ишлари Фарғона, Қўқон, Қувасой шаҳарлари, Данғара, Қиргули, Қува, Фурқат туманларида яхши йўлга қўйилган.

Шуниси ачинарлики, текширишлар давомида айрим корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарлари томонидан талабларнинг бузилиш ҳолларига йўл қўйилаётганлигининг асосий сабаби — улар янги чиқарилган мустақил Ўзбекистонимизнинг қонунларини, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини қониқарли даражада ўрганмаганлар. Жойларда ҳуқуқ-тартибот ишлари ташвиқоти яхши йўлга қўйилмаган.

Масалан, Учқўприк туман прокуратураси Деҳқонбоев номли матлубот жамиятнга қарашли савдо дўконларида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан фуқароларга белгиланган меъёрда берилиши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ вақтдан буён аҳолига сотилмаганлиги ҳолларини аниқлаб, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортди. Фурқат туман прокуратураси эса «Қолгандарё», «Томоша», «Қўқон», ва Фурқат номли давлат хўжаликларида чорва туёғи сонларини сақлаш, боқиш ва кўпайтиришда қонун талабларининг бажарилишини текширганда, чўпонлар ўз шахсий чорва молларини ҳам давлат ҳисобидан боқаётганлиги фактларн аниқланди. Бу иш юзасидан 15 мансабдор шахс огоҳлантирилди, 21 шахсга нисбатан етказилган зарарни ундириш ҳақида даъво ариза си қўзғатилиб, судга юборилди, 24 киши интизомий, 11 киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Хўжаликка етказилган 172138 сўм моддий зарар айбдор шахслардан ундирилди.

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида бюджет маблағларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш энг муҳим масалалардан биридир. Аммо айрим корхоналар ҳам бу борада тирриқлик қилиб келишмоқда. Жумладан, Фарғона тўқимачилик комбинати ўз вақтида солиқ тўламагани учун 9.407.5 минг сўм, пойабзал фабрикаси 1.818 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлди, раҳбарлари эса маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Давлат корхоналаридан 272 таси даромадни яширганлиги учун ва бюджетга 44602 минг сўм пул келиб тушмаганлиги учун 31980 сўм миқдорда жарима солиниб, яшириб келинган фойда билан бирга 46.442 минг сўм бюджетга ўтказилди. Бу соҳа алоҳида прокуратура назоратида турибди.

Лекин шунга қарамай, ҳали ишларимизда камчиликлар ҳам бор. Ҳали умумий назорат ишларини кучайтиришимиз, текширувларнинг сифатли ва самарали ўтказишимиз, Президент фармонлари ижросини тегишли ташкилотлар билан муттасил назорат қилиб боришимиз керак.

Ёқубжон ЖАЛОЛОВ, Фарғона вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

• Фельетон

У ДИРЕКТОР БЎЛАРМИКАН?

Мен Сайфулла Раҳматовнинг Бухоро туманидаги «Галаосиё» узумчилик давлат хўжалиги раҳбарлари устидан тўплаган маълумотларини илк бор ўқиб чиққанимда бу одам жуда ҳам жонкуяр экан, деган ҳаёлга боргандим. Адашганимни ҳис қилганимдан сўнг Раҳматов шахси билан чуқурроқ қизиқишга тўғри келди...

САРСОН БЎЛИШДИ...

Қаранг, биргина 1987—88—89 йилларнинг ўзида «Галаосиё» совхоз-заводида Раҳматовнинг шикояти бўйича республика касаба уюшмалари ташкилоти икки марта, вилоят давлат назорати ҳамда касаба уюшмалари уч марта, республика назорат-тафтиш бошқармаси икки марта, туман прокуратураси тўрт марта, обком вакиллари уч марта, ОБХСС дан икки марта, район халқ контроли беш марта текшириш ўтказганлар. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин бизга шунчи ҳам етарли, деб ўйлаймиз.

«ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИДАИ РОЗИ ЭМАС»

Тўғри, Раҳматов ҳам бекорга югургани йўқ. Биз унинг ҳамма гаплари асоссиз, демоқчи эмасмиз. Совхоз маъмурияти иши текширилганда, озми-кўпми, камчиликлар аниқланди. Бунинг учун ҳозирги давлат хўжалиги раҳбари Аллаберди Мирзаев, касаба уюшмаси раиси Жамшиддин Мавлонов ва бошқалар огоҳлантирилганлар. Уларга йўл қўйилган хатокамчиликларни тузатиш топширилган. Аммо қаҳрамонимиз бундан қониқмай, раҳбарларни ишдан олишни, ҳатто жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилиб ҳамон республика ва вилоят миқёсидаги нуфузли идораларга кетма-кет шикоят хатлари йўлламоқда. Наҳатки, юқоридаги ташкилот ва органларнинг бирортаси ҳам Раҳматов назарида холис текшириш ўтказмаган бўлса? Бу ҳеч кимга ишонмаслик, ҳаммага шубҳа билан қарашдан ўзга нарса эмас. У киши кимга қандай жазо беришни шу соҳанинг мутахассисларидан ҳам кўпроқ биладиганга ўхшайди.

Шикоятчининг хўжалик раҳбарлари устидан тўплаган материалларини батафсил ўргаииб чиққан Бухоро туман прокурорининг катта ёрдамчиси, 1-даражали ҳуқуқшунос Н. Адизов 1993 23 апрелда шундай қарор қиладн: **«Галаосиё» давлат хўжалиги директори А. Мирзаев, бош агроном Ж. Мавлонов ҳамда омбор мудири Г. Аҳмедовларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги сабабли уларга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад этилсин».** Ана шунга ўхшаш жавоблар шикоятчига ҳам берилган, аммо бундай инсонийлик, холис текширишлар унга ёқмайди. Чунки у кишининг «орзу-армонлари» рўёбга чиқмай қолаяпти-да. Шундай бўлсада, Раҳматов идорамидара юришда ҳали ҳам давом этмоқда. Унинг талаблари тагида шахсий манфаат ётганини сезганлар эса ундаи тобора қўлини ювиб, қўлтиқларига урмоқдалар. Бир шикоятининг сўнггида «Қизимга уй берсинлар» деб ёзса, иккинчисига «Ўғлимга ўз ихтисоси бўйича иш топиб берсинлар», дейди. Учинчисида ўзига раҳбарлик лавозимини талаб қилади. У кишининг орзу-умидлари қайси томон йўналганини энди англагандирсиз?

ҚЎЙИНГ-ЧИ, САЙФУЛЛА РАҲМАТОВ КИМ ЎЗИ?

Унинг ўн икки йилдан буён ёзган шикоятларидан, уларга олинган жавоблардан тўрт томлик «иш» пайдо бўлди. Раҳматовнинг таржимаи ҳоли саргузаштларга бой. Унинг тез-тез иш алмаштиришини Геннеснинг рекордлар китобига киритсак арзийди. Тўғри-да, ҳар ким ҳам 26 йил ичида 18 дан ортиқ ташкилотда, 37 вазифада ишлай олмайди. Ахир 49 ёшда бундай «юксак» натижага эришишнинг ўзи бўладими? Яшиям, 1981 йилдан бошлаб, кўп қийинчиликлар, югур-югурлар орқали «Галаосиё» совхоз-заводига ишга жойлашди. Бу ҳам «ёзғувчилик»нинг шарофати билан.

ШИКОЯТЧИ СУД БЎЛДИ

1982 йил 30 ноябрда Бухоро туманининг ўша пайтдаги «Ленин байроғи» (ҳозирги «Галаосиё овози») рўзномасида чоп этилган «Меросхўр эмишман»... фельетони туманда шов-шув бўлиб кетди. Уни рўзиомаиинг ўша пайтдаги муҳаррири Файзулло Қурбонов ва мухбир Асрор Исматовлар ёзишганди. Унда Сайфулло Раҳматовнинг ножўя хатти-ҳаракатлари қаттиқ танқид қилинади: 1978 йилда вафот этган акаси Раҳматов Саъдулланинг К—020667 белгили дипломини ўз номига сохталаштиргани фош этилади. Уни 5,8 грамм наркотик модда топилганлиги сабабли 1982 йил декабрь ойида Бухоро туман халқ суди уч йилга озодликдан маҳрум қилади. Лекин оилавий аҳволи ҳамда жиноят ишидаги бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниб, шартли жазо қўлланилади.

У кишининг яна бир қилиқлари бизга маълум бўлди. Раҳматовга 1971 йилдан ногиронлик гуруҳи белгиланиб, 1981 йилда доимийга айлантирилган. У 1965 йилларда армияда хизмат қилиб юрган кезлари касалланиб, госпиталда даволанади. Ўша ерда унинг касаллик варақаси актида учинчи гуруҳ ногирони деб ёзишган. Актда яна Раҳматовнинг меҳнат қобилиятн чегараланганлиги, у фақат механик, диспетчер ёки омборхонада асбоб-анжом тарқатишда ишлаши мумкинлиги тавсия этилади. Шундай қилиб, қаҳрамонимиз қўлида пенсия гувоҳномаси бор.

Биз шу ерда ғалати бир далилга дуч келдик. Район ижтимоий таъминот бўлимининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Амруллаев томонидан Раҳматовга 1976 йил 3 июнда 000652 номерли «Улуғ Ватан уруши ветерани» деган гувоҳнома ҳам берилган. Бу «ютуқ»ка қандай эришганини ўзидан бошқа ҳеч ким билмаса керак. Балки у ана шу ҳужжатдан мўътабар даргоҳларга киришда фойдаланиб юргандир. Ана шу пайтларда Бухоро тумани прокурори бўлиб ишлаган Саид Шоднев ундан гувоҳномани қайтариб беришни талаб қилганда, «уни йўқотганман», деган мазмунда тушунтириш хати ёзиб беради. Раҳбарлар устидан йиққан қоғозларини кўзқорачиғидек асраб, қўлтиқлаб юрадиган кишининг бу гапига ишониш қийин. Ҳар қалай, менда ана шундай таассурот қолди.

РАҲМАТОВ ДИРЕКТОР БЎЛАРМИШ...

Қаҳрамонимиз 1991 йил Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг мева сабзавотчилик ва узумчилик ихтисоси бўйича сиртдан битириб чиқди. Энди у кишига директорлик ёки директор ўринбосари лавозими керак экан. У ўйлмасдан ана шу талабни ўртага ташлади. Қанчадан-қанча ташкилот ва маъмурий органларни текширишга чорлаб, уларнинг вақтини ўғирлашнинг асл мазмуни ҳам мансабга эга бўлиш. Бу ният амалга ошавермагач, Раҳматов Президентимизга телеграмма йўллаб, махсус комиссия юборишни сўрабдилар. Республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида жон куйдириб, меҳнат қилмоқдалар. Бу шундай долзарб паллада жамоатчиликни чалғитиш эмасми?

Раҳматов ҳар бир гапига «адолат учун курашаман, халқимга хизмат қиламан», дея кўксига уради. Бу гапларга ишонмасангиз, уннг ўз қўли билан Бухоро вилояти прокурори номига ёзган аризасини ўқинг (Ўзи қандай хато ва нуқсонлар билан ёзган бўлса, ўзгартирмасдан, шундайлигича кўчирдим).

«Бухоро вилоят прокрори утр. Бекмирзоевга
Бухоро туман узумчилик Давлат хўжаликнни бригада бошлиғи Рахматов С. томонидан

Ариза

Мен оли малумотлиман кима учиң менга ката мансаб бермайди мен шуни учиң бир неча йилардан бери ёзиб юрибман менга яахши иш бершларизни сурайман мен халқа хизмат қилмоқчнман мен бошқа ариза ёзишимдан махсат иш олиш менга бўлса ейб-ячмайдимн уларга ишим юқ мен уларни уғрилик талампалошликига ишим юқ.

Рахматов С.
15 VI—93 й.

Раҳматовнинг ногиронлик ҳақидаги актида оғир иш қилиш мумкин эмаслиги кўрсатилган. Агар у киши оғир ишларни ҳам уддалаб кетаверишга тайёр бўлсалар, унда учинчи гуруҳ ногирони деган ҳуқуқ бекор қилиниши керак. Ҳар қалай йиллар ўтиб, соғлиги тикланган бўлса ажаб эмас. Буёғи мутахассисларга ҳавола.


Мавлон ОТАБОЙ.
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚ СОҒЛИГИ - ЮРТ БОЙЛИГИ

"Ўзбекистон" дам олиш соғломлаштириш акционерлик жамияти даволаниш ва дам олишни хоҳловчи барчанинг энг катта истакларини амалга оширишга қодир.

Сочи шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.



Дам олувчилар Қора денгиз бўйидаги барча қулайликларга эга бўлган бинода бир ёки икки кишилик "люкс" хоналарга жойлашадилар. Шарқона чойхона-ресторан, яхши жиҳозланган пляж, сув, балчиқ билан даволаш, диагностика ва физиотерапиянинг энг янги ускуналари дам олувчилар хизматида бўлади. Бу ерда юрак-қон томирлари, ҳаракат органлари, гинекологик хасталиклар даволанади. Автобусда ва денгиз саёҳатлари уюштирилади. Туркияга бориш ҳам режалаштирилмоқда.



Кисловодск шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.

У шаҳарнинг парк ҳудудида жойлашган. Бу ерда бир ва икки кишилик "люкс" хоналар, балчиқ билан даволаш, нарзан ванналари, замонавий диагностика мавжуд. Сиз неврологик, юрак-қон томирлари, ошқозон касалликларидан даволанишингиз мумкин.

Ялта шаҳридаги "Ўзбекистон" санаторийси.

У Бухоро Амирининг собиқ дам олиш маскани ҳудудидаги ўрмонликда жойлашган. Дам олувчилар болалари билан ҳам қабул қилинади. Бу ерда нафас олиш органлари, юрак-қон томирлари, гинекологик хасталиклар даволанади.

Корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлик ва тижорат тизимлари раҳбарлари, Сиз ўз хизматчиларингизга ижтимоий зарурат маблағлари ҳисобидан дам олиш ва даволаниш учун бу санаторийларга имтиёзли йўлланмалар олишингиз мумкин.

Йўлланмалар нақд пулга ва ўтказиш йўли билан сотилади.

Барча масалаларни қуйидаги манзилда ҳал этиш мумкин:
700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Жуковский кўчаси, 65.
Телефонлар: 32-27-43, 32-26-33, 33-64-92.

Рекордлар, воқеалар, натижалар...

ЎЗБЕКИСТОН Вазирлар Маҳкамасининг «Президент кубоги» учун халқаро теннис турнири ўтказиш ҳақида фармойиш берганлигини аввал маълум қилиб, бу юртимиз тенниси ҳаётида тарихий воқеа бўлганлигини таъкидлаган эдик.

Яқинда ушбу турнир бўйича тузилган ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро теннис турнири келаси йилдан бошлаб ҳар йили июнь ойида ўтказиладиган бўлди. Вазирлар Маҳкамаси халқаро турнир мақомини тасдиқлади.

«Президент кубоги» мусобақаси ғолиби профессионал теннисчилар ассоциацияси туркумидаги жаҳоннинг кучли спортчилари ўртасида ўтказиладиган олий даражадаги турнирлар низомига мувофиқ аниқланади. Ғолибларга (якка ва жуфтлик бўйича) кубокнинг миниатюра нусхаси топширилади. Уларнинг исм ва фамилиялари «Президент кубоги» турнирининг китобига қайд қилиниб борилади. Мусобақада уч марта ғолиб чиққан теннисчи кубокнинг асл нусхасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда Ўзбекистон теннис федерацияси янги кубокни тайёрлайди.

Хуллас, ташкилий қўмита ушбу турнирнинг биринчисини ўтказиш учун ҳозирдан тайёргарликни бошлаб юборди. Жаҳон теннис майдонида эса ҳамон америкалик Пит Сампрас мусобақаларда иштирокига кўра 3, 925 очко билан карвонбошилик қиляпти. Унинг юртдоши Жим Курье жаҳонинг иккинчи ракетка соҳибн ҳисобланмоқда. Жимнинг ҳисобида 3.729 очко бор. Учинчи ракетка соҳиби Борис Беккер эса 2.827 очкога эга.

* * *

Гимнастикачиларимиз Истамбулда бўлиб қайтдилар. Бу ерда ўтказилган анъанавий халқаро турнирда вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Евгения Лукшина (Фарғона), Анастасия Булатова, Наталья Демушкина (иккаласи ҳам Тошкентдан) нборат жамоамиз 15 мамлакат командалари ичида учинчи ўринни эгаллади. Эндиликда қизларимиз ноябрда Минскда ўтказиладиган МДҲ давлатларининг «Дружба» халқаро турнирига ҳозирлик кўришмоқда.

* * *

Алпинизм бўйича Ўзбекистон рекорди ўрнатилди. У тошкентлик Рустам Ражабовга тегишлидир. Рустам Тяншан тоғиининг 6 минг метр баландликда бўлган Коржиневская чўққисини забт этди.

* * *

Республика спорт қўмитаси Бокс федерацияси билан ҳамкорликда шу йил 5—10 октябрь кунлари «Алпомиш» спорт саройида Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб бокс бўйича халқаро турнир ўтказишни режалаштиряпти. «Мустақиллик кубоги» учун ўтказиладиган бу халқаро мусобақага жаҳоннинг кучли боксчилари ҳам ташриф буюришади. Бу турнирда энг яхши қатнашган юртимиз боксчилари Осиё ва Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади.

* * *

Биринчи табақа вакили — «Атласчи» клубининг 20 ёшли ҳужумчиси Игор Буров навбатдаги турда «Шаҳрихон» жамоаси дарвозасига бешта тўп киритди. Бу унга биринчи лига тўп уррарларн баҳсида юқори ўринга кўтарилиш имконини берди.

Олий лига футболчилари ўртасидаги тўпурарлар баҳсида эса «Нефтчи»нинг ҳужумчиси Рустам Дўрмонов 16 тўп киритган ҳолда олдинда боряпти. Бу жамоа доши — дарвозабон Осмонов ўтказиб юборган тўпларидан битта кўп демакдир.

ТАШКИЛОТ

1. Япониянинг «Тошиба» фирмасида ишлаб чиқарилган 11 киловаттдан 75 киловаттгача бўлган, минутига 750—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган асинхрон электродвигателларини;

2. Ватанимизда ишлаб чиқарилган, 2,2 киловаттдан 5,5 киловаттгача бўлган, минутига 950—3000 марта айланиш қувватига эга бўлган электродвигателларини

ТАВСИЯ ЭТАДИ

Мурожаат учун Тошкент шаҳридаги телефонлар: 78-67-21, 45-75-67.

"Радиоэлекторонтехасбоб" Ўздавконцерни
таркибига кирадиган ва
Тошкент шаҳар, Д. Манжара кўчаси, 1 манзили бўйича
жойлашган **"Ўрта Осиё электр аппарати"**
илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси
"Ўзэлектраппарати" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси номига ўзгартирилди"

Ғамгарма Банки

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА !

Шу йилинг 30 сентябрь куни қўҳна Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заём облигацияларининг навбатдаги 6-тиражи ўтказилади.

Облигация эгаларини Бухоро шаҳрига тиражда қатнашишга таклиф қиламиз.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ !

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ

Тошкент кимё-технология институти «Кимё технологиясининг механик асослари» кафедраси жамоаси кафедра ходимаси Раъно Йўлдошевага отаси
Хайрулла САЪДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хирургия илмий марказининг жамоаси патология анатомияси бўлими мудири Б. Мирзаахмедовга отаси
Мирсоат МИРЗААҲМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО
خلق سوزی

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунабн БОЙҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЭҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошов, навбатчи — И. Жиянов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г — 496. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди 23.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6